

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”ДАГИ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИНИГ  
ВАЗИФАЛАРИ БҮЙИЧА

УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2024



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

**“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”ДАГИ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИНИНГ  
ВАЗИФАЛАРИ БҮЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент – 2024 йил

“Маҳалла еттилигида”ги ёшлар етакчисининг вазифалари бўйича услугбий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024.- 17 бет.

Мазкур услугбий қўлланма ёшлар етакчиси фаолиятини тартибга солиши, унинг роли, асосий вазифалари ва хизмат кўрсатиладиган хизмат тоифалари, бошқа орган ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги ва айrim масалалар бўйича қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қўлланмани очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади ва ундан фойдаланиш бепул ҳисобланади.

Қонунчилик хужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Ушбу услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

## МУНДАРИЖА

<b>ЁШЛАР ЕТАКЧИСИННИГ ИШ ФАОЛИЯТИИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>ЁШЛАР ЕТАКЧИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ .....</b>	<b>3</b>
<b>ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ФАОЛИЯТИНИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....</b>	<b>11</b>
<b>ЁШЛАР ЕТАКЧИСИННИГ ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ?.....</b>	<b>12</b>
<b>ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ҚАНДАЙ РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ? .....</b>	<b>13</b>
<b>ЁШЛАР ЕТАКЧИСИННИГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ЭЛЕКТРОН РЕЙТИНГ ТИЗИМИНИ (KPI) .....</b>	<b>14</b>
<b>«МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ»НИНГ КОЛЛЕГИАЛ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ИЖТИМОЙ ЁРДАМ ВА АЖРАТИЛАДИГАН СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИШДА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИННИГ ЎРНИ .....</b>	<b>15</b>
<b>«ЙИЛНИНГ ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ» ТАНЛОВИНИ ...</b>	<b>18</b>
<b>ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ .....</b>	<b>19</b>
<b>ИЛОВАЛАР .....</b>	<b>21</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ:.....</b>	<b>23</b>

## ЁШЛАР ЕТАКЧИСИННИГ ИШ ФАОЛИЯТИИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

### МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ\*



МАҲАЛЛА РАИСИ

ИЖТИМОЙ ХОДИМ



СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ



ХОТИН-ҚИЗЛАР



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ



ПРОФИЛАКТИКА



*Маҳалладаги ёшлар етакчиси ўз фаолиятида Ёшлар ишлар агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларига бўйсунади ҳамда улар олдида ҳисобдор бўлади.*

Маҳалладаги ёшлар етакчиси ўз фаолиятини **кунлик, ҳафталик, ойлик, чораклик иш режалар асосида олиб боради.**

### ЁШЛАР ЕТАКЧИННИГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1.

Маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, жумладан уларни «Беш ташаббус олимпиадаси»да иштирок этишга жалб этиш;

2.

Ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари бандлигига кўмаклашиш, жумладан «Ёшлар бандлиги дастури»ни маҳаллада амалга ошириш;

\* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони

- 3.** Давлат кўмагига мұхтож «**Оғир**» тоифадаги ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;
- 4.** Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан, шунингдек, профилактика инспектори билан биргаликда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган вояга етмаганлар билан тизимли ишлаш;
- 5.** «**Ёшлар дафтари**»га киритилган ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, жумладан ёшларга кўрсатиладиган 30 та ёрдам турларидан самарали фойдаланиш;
- 6.** Хориждаги ватандош ёшлар билан ишлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш;
- 7.** Иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъодини рўёбга чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш;
- 8.** Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, жумладан ёшлар етакчисининг ўзи ҳар ойда камида 1 та китоб мутолаа қилиш орқали шахсий намуна кўрсатиш;
- 9.** Шахсий ривожланиш мақсадида, жумладан «**Ибрат фарзандлари**» лойиҳаси доирасида камида 1 та хорижий тилни мукаммал ўрганиш

**Маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, жумладан уларни «**Беш ташаббус олимпиадаси**»да иштирок**



**Ҳар ойда камида 20 нафар ёшларни спорт, мусиқа ва фан тўғаракларига жалб этади.**

**Маҳаллада ҳафтада бир маротаба спорт мусобақалари, мусиқа ва рақс танловларини ташкил этади**

Маҳалла ёшлари ўртасидаги танлов ва мусобақалар

Мактаб ўқувчилари ўртасидаги таблов ва мусобақалар

Профессионал таълим мұассасалари ўқувчилари ўртасидаги танлов ва мусобақалар



«Миллий ва замонавий  
чолғы ижроқиилиги»  
танлови



Волейбол ИИВ кубоги  
(ўсмирлар-қизлар)



Кураш Бош прокурор  
кубоги (ўсмирлар-қизлар)



Гимнастика



Кураш Бош прокурор  
кубоги (ўсмирлар-қизлар)



Паралимпия



«Ёш китобхон» танлови



Шашка (ўғил-қизлар)



Енгил атлетика  
(ўғил-қизлар)



Мини-футбол



Волейбол  
мусобақаси (қизлар)



Шахмат  
(ўсмирлар-қизлар)



«Заковат»  
интеллектуал ўйини



Волейбол (қизлар)



Стол  
(ўғил-қизлар)



Күвноқ стартлар



«Заковат» интеллектуал  
ўйини



Шашка (ўсмирлар-  
қизлар)



Футбол ДХХ кубоги  
(ўсмирлар)



«Заковат» интеллектуал  
ўйини



«Құвноқлат ва зұкколар»  
танлови



Волейбол  
мусобақаси (қизлар)



Футбол ДХХ кубоги  
(ўсмирлар)



Мини-футбол ДХХ кубоги  
(ўсмирлар)



Мини-футбол ДХХ кубоги  
(қизлар)



Шахмат  
(ўсмирлар-қизлар)



Мини-футбол  
мусобақаси  
(эркаклар)



Стол  
тенниси  
эркаклар-қизлар



«Интеллектуал  
олимпиада» танлови



Беш мұхым ташаббус лойиҳалари юзасидан янгиликлар **Сташаббус.уз**  
сайты ҳамда **@бешташаббус\_уз** телеграм каналида әълон қилиб  
борилади.

Ишсиз ёшлар ва мактаб бити्रувчилари бандлигига кўмаклашиш, жумладан «Ёшлар бандлиги дастури»ни маҳаллада амалга ошириш.



Ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари бандлигига кўмаклашиш, жумладан «Ёшлар бандлиги дастури»ни маҳаллада амалга ошириш



*Маҳаллада ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчиларининг рўйхатини шакллантиради ва ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда уларнинг бандлигини таъминлайди.*

*Ҳар ойда бир маротаба мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари билан учрашиб, олий таълим муассасаси ва мутахассислик йўналишини танлаш ҳамда кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришга ёрдам беради.*

Хориждаги ватандош ёшлар билан ишлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш;



*Ҳар ойда камидан бир маротаба хориждаги ёш ватандошлар билан мулокот қилиш орқали уларнинг фаолиятини ўрганади ҳамда Ватанга қайтиб фаолиятини юритиши учун «маҳалла еттилиги» билан зарур чораларни кўради*

## Давлат кўмагига муҳтож «оғир» тоифадаги ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш



Маҳаллада «оғир» тоифадаги ёшларнинг яшаши манзили ва иш жойига ҳар ойда камида бир маротаба бориб, биректирилган раҳбарлар билан биргаликда ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашади.

- 1 Пробация назоратидагилар;
- 2 Профилактик ҳисобда турганлар;
- 3 Нотинч оила фарзандлари;
- 4 Миграциядан қайтиб келган;
- 5 Сурункали касаллиги мавжудлар;
- 6 Ногиронлар;
- 7 „Ёт ғоялар“ таъсирига тушиб қолганлар;
- 8 Оиласий ажрим ёқасидаги ёш оиласлар;
- 9 Етимлар, меҳрибонлик уй ва оиласий болалар уйлари;
- 10 Гиёхванд ва психотроп моддаларни истеъмол қилувчилар;
- 11 Мунтаззам дарс қолдирувчилар;
  - умумий мактабларда;
  - профессионал таълимда;
  - олий таъдимда;
  - хорижга диний таълим учун кетган;

**Хүкүқбүзарлык содир этишга майиллиги бўлган ёшлар билан,  
шунингдек, профилактика инспектори билан биргаликда  
хўкүқбўзарлик содир этишга майиллиги бўлган вояга етмаганлар  
билин тизимли ишлаш;**



*Хўкүқбўзарлик содир этишга майиллиги бўлган ёшлар ва вояга  
етмаганларни ҳар бири билан индивидуал ишлайди*




**«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, жумладан ёшларга кўрсатиладиган 30 та ёрдам турларидан самарали фойдаланиш;**




**Ҳар чоракда бир маротаба ёрдам кўрсатилган ёшларнинг уйига бориб, лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашади**

**“Ёшлар дафтари”га ариза юбориш ҳамда мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби**



Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, жумладан ёшлар етакчисининг ўзи ҳар ойда камидаги 1 та китоб мутолаа қилиш орқали шахсий намуна кўрсатиши



*Har chorakda kamida bir marotaba ma'naviyat, madaniyat xodimlari, yozuvchiga va shoirlarni jalb qilgan holda yoshlar o'rtaida kitobxonlikka oid tadbirlarni tashkil etadi.*

Бунда:

-  **Ёш китобхон**
-  **Мутолаа**
-  **Ёшлар учун 1000 китоб**

Шахсий ривожланиш мақсадида, жумладан «Ибрат фарзандлари» лойиҳаси доирасида камидаги 1 та хорижий тилни мукаммал ўрганиш.



*Маҳалла ёшларини хорижий тилларни ўрганишга доимий қизиқтириб боради.*

## ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ФАОЛИЯТИНИНИНГ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ



• **маданият ва санъатни тарғиб қилиш борасида** — «[Санъат тұнчалари](#)» күрік танлови, мақом, баҳшичилик ва эстрада бүйіча «[Ёшлар овози](#)», «[Ёш мусавирлар](#)» танловлари ҳамда «[Камалак юлдузлари](#)» болалар ижодиёт фестивалини үтказади, шунингдек, ёшлар ва болалар театр жамоаларини ташкил этади



• **соғлом түрмуш тарзи ва спортни оммалаштириш борасида** — мини-футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, велоспорт, югурыш, шахмат, шашка, бадминтон, камондан отиш бүйіча мусобақаларни ташкил этади, саломатлық учун 5 000 қадам юриш марафони ҳамда «[Ёш эколог](#)» акциясими үтказади



• **аҳборот технологияларидан самарали фойдаланишини ташкил қилиш борасида** — «[Бир миллион дастурчи](#)», «[Дастурлашга биринчи қадам](#)» лойиҳаларини амалга оширади, киберспорт чемпионати ва «[Аҳборот технологиялари билимдони](#)» танловини үтказади;



• **маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш борасида** — «[Заковат](#)» мусобақаси, «[Құвноқлар ва зүкколар](#)», «[Зүкко китобхон](#)», «[Ёш китобхон](#)», «[Ёш китобхон оила](#)», «[Хорижий тиллар билимдони](#)» ва «[Ёш полиглот](#)» танловлари ҳамда «[Мунозара](#)» интеллектуал ва миллий халқ үйинларини ташкил этади;



• **ватанпарварлық рухида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасида** — «[Ёш чегарачи](#)», «[Ёш құтқарувчи](#)», «[Құвноқ стартлар](#)», «[Темурбеклар](#)», «[Тұмарис маликалари](#)», «[Шұнқорлар](#)», «[Ёш ҳуқуқшунос](#)», «[Ёш сайловчи](#)», «[Ёш депутат](#)» танловлари ҳамда «[Мен ҳам аскар бўламан](#)» акциялари ва ҳарбий қисмларга саёҳатларни ташкил этади;



• **тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш борасида** — «[Ўзбекистон учун 100 ғоя](#)» ва «[Маҳалланинг ишбилармон тадбиркори](#)» танловлари, «[Бизнесга биринчи қадам](#)» грант лойиҳаси ҳамда муваффақиятга эришган тадбиркорлар билан учрашувларни ташкил этади.

## ЁШЛАР ЕТАКЧИСИННИГ ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ ҚАНДАЙ ХИСОБЛАНАДИ?


Етакчининг ойлик иш ҳақи миқдори у биритирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда қўйидагича белгилан:



хонадонлар сони **500 тагача** бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **5 баравари** миқдорида;


хонадонлар сони **501 тадан 1 000 тагача** бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **5,5 баравари** миқдорида;

хонадонлар сони **1 000 тадан** ортиқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **6 баравари** миқдорида.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 17 ноябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар  
миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-196-сон Фармонига кўра  
2023 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси  
ҳудудида **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори** – ойига  
**1 050 000 сўм** қилиб белгиланган.

## ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ҚАНДАЙ РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ?



### БУ МУҲИМ!

- Бошқа ҳудудлардан келиб ўз фаолиятини олиб бораётган Етакчи учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача** бўлган миқдорда тураг жой ижара тўлови қоплаб берилади.
- Йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган Етакчиларга ипотека кредити асосида сотиб олинаётган ўй-жой қийматининг **50 фоизи миқдорида**, бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сон Фармонига мувофиқ белгиланадиган ўй-жой ҳисобланган қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда субсидия берилади.
- Етакчи лавозимига ишга қабул қилинган шахсларнинг **ҳарбий ва маҳсус үнвонлари** сақлаб қолинади, Етакчи лавозимидағи иш стажи навбатдаги ҳарбий ва маҳсус үнвонлар олишда ҳисобга олинади, шунингдек, уларга олдинги иш жойига қайтганида **қонунчиликда белгиланган барча имтиёзлар татбиқ этилади.**

## ЁШЛАР ЕТАКЧИСИННИГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ЭЛЕКТРОН РЕЙТИНГ ТИЗИМИНИ (КРІ)



- ✓ маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини кунлик амалга ошириш ҳолати;
- ✓ тадбирларда маҳалладаги ёшларни тўлиқ қамраб олингандлик даражаси;
- ✓ «Ёшлар баланси»ни шакллантириш, «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар портали» электрон платформаларини рақамлаштириш даражаси;
- ✓ хорижда юрган маҳалла ёшлари билан яқиндан алоқанинг йўлга қўйилганлиги билан шакллантирилади.

# «МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ»НИНГ КОЛЛЕГИАЛ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА КҮРСАТИЛАДИГАН ИЖТИМОЙ ЁРДАМ ВА АЖРАТИЛАДИГАН СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИШДА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИННИНГ ЎРНИ

► 2024 йил 1 мартдан бошлаб «[Темир дафтар](#)», «[Ёшлар дафтари](#)» ва «[Аёллар дафтари](#)»ига жисмоний шахсларни киритиш, шунингдек, дафтарлар ҳамда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш «[маҳалла еттилиги](#)»нинг **коллегиал қарори асосида** амалга оширилади.



## Ижтимоий ёрдам ва субсидиялар тури

Моддий аҳволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш

Ёшларни тадбиркорликка ва касб-ҳунарга ўқитиш курслари харажатларини қоплаш

Ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш

Деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратиш

Ёшларга тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилиш учун нотурар жойнинг ижара харажатларини қоплаш

## Миқдори

БХМнинг 4 бараваригача

Ўқиш харажатларнинг 75 фоизигача қисми, бироқ мос равишда ҳар бир ой учун БХМнинг 4, 8, 12 бараваридан кўп бўлмаган қисми

БХМнинг 4 бараваригача

БХМнинг 8 бараваригача

12 ойгacha ижара харажатларининг бир йилда 30 фоизи, бироқ БХМнинг 25 бараваригача бўлган қисми

Ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ёки меҳнат қуролларини харид қилишга субсидия ажратиш

БХМнинг 40 бараваригача

Ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ёки меҳнат қуролларини харид қилишга субсидия ажратиш

БХМнинг 40 бараваригача

Профессионал ва олий таълим ташкилотлари ўқувчи-талабаларининг таълим тўлов-контракт суммасининг бир қисмини тўлаб бериш

Тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, бироқ БХМнинг 50 баравари

Ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш

6 ойгача ҳар ойда БХМнинг 4 баравари

Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун субсидия ажратиш

Ҳар ойда БХМнинг бир бараваригача

Ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олимпиада, танлов ва мусобақаларда қатнашиш харажатлари учун субсидия ажратиш

Маҳаллий босқичлар учун БХМнинг 4 баравари, халқаро босқичлар учун БХМнинг 40 баравари

Ёшларни таълим, маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялари соҳасига ва фанларга ўқитишга ихтисослашган нодавлат таълим ташкилотининг нотурар жой ижара харажатларини қоплаш

Уч ой муддатгача БХМнинг 50 баравари

Бемор ёшларга даволаниш харажатлари учун субсидия ажратиш

БХМнинг 50 баравари

Психологик маслаҳатга муҳтоҷ ёшларга пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш

БХМнинг 4 баравари

Ёшларнинг сафарбарлик чақириви резервидаги хизматни ўташ бадалини қоплаш учун субсидия ажратиш

Хизматни ўташ бадалининг тўлиқ қисми

Янги турмуш қураётганида ўз хонадонида қўшимча ўй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратишга учун кафиллик бериш

БХМнинг 8 бараваригача

Ёшларга тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилиш учун нотурар жойнинг ижара харажатларини қоплаш

Уй-жой қуриш учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратишда «Ёшлар дафтари» жамғармасининг кафиллиги

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оиласларга турар жой ижараси учун субсидия ажратиш

12 ойгача ҳар ойда БХМнинг 3 бараваридан ошмаган миқдорда

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, беш мўҳим ташаббус доирасидаги тадбирларни молиялаштириш

Маҳалла даражасида бир календарь ой учун БХМнинг 10 бараваригача

Ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш

6 ойгача ҳар ойда БХМнинг 4 баравари

Чекка қишлоқ ва овулларда илм-фан, спорт, санъат ва маданият, китобхонлик йўналишларидаги тўгаракларни ташкил этиш учун зарур жиҳозлар харид қилиш

БХМнинг 50 бараваригача

Ногиронлиги бўлган ёки bemor ёшларга зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларни ижтимоий ходим билан биргаликда харид қилиш

БХМнинг 40 бараваригача

- **Маҳалладаги ёшлар етакчилариниг мутлоқ тавсияси асосида ёшларга бериладиган ёрдам турлари**

✓ Ногиронлиги бўлган ёшларга нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунарга ўргатиш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш, ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш амалиёти, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш, шунингдек, зарур ҳолларда яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваригача** бўлган миқдорда субсидия ажратиш.

✓ Ногиронлиги бўлган ёшларга касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўргатиш курсларини мұваффақиятли тугатган ҳамда махсус сертификатни олган, шунингдек, тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганларга асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваригача** бўлган миқдорда субсидия ажратиш.

# «ЙИЛНИНГ ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ» ТАНЛОВИНИ

✓ Танлов маҳалладаги ёшлар етакчиси лавозимида камида битта маҳаллада олти ой давомида фаолият юритаётган, амалий иш тажрибасига эга маҳалладаги ёшлар етакчилари ўртасида ўтказилади.



Танлов етакчилари ўзаро тенг ҳуқуқли бўлиб, бошқа устунлик ёки имтиёзлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

## Танлов йўналишлари:

- 1 • ««Ёшлар баланси» тизими асосида самарали иш ташкил этган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;
- 2 • ««Ёшлар дафтари» тизими асосида самарали иш ташкил этган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;
- 3 • «Ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;
- 4 • «Алоҳида эътиборга муҳтож ёшлар билан самарали ишлаган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;
- 5 • «Ташқи меҳнат миграциясидан қайтган ёшлар билан самарали ишлаган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;
- 6 • «Хуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёшлар билан тизимли ишлаган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;
- 7 • «Иқтидорли ва интеллектуал фаол ёшлар билан самарали ишлаган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;
- 8 • «Касб-ҳунарлар танловини юқори савияда ташкил этган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;
- 9 • «Ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилган ва спорт мусобақаларини юқори савияда ташкил этган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши.
- 10 • «Ёшларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга оширишда ва бандлигини таъминлашда самарали кўмаклашган энг намунали маҳалла етакчиси» йўналиши;

# ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Ташкилий қўмита томонидан ҳар йили **5 сентябрга қадар** Ёшлар ишлар агентлигининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида **танлов ўтказилиши тўғрисида эълон берилади**



Танловда иштирок этиш учун **номзодлар** Ёшлар ишлар агентлигининг расмий веб-сайти ёки ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари **орқали рўйхатдан ўтади**.



Рўйхатдан ўтиш ҳар йили **5 сентябрда** бошланиб, **30 сентябрь** куни якунланади ва рўйхатдан ўтган номзодлар ҳақидаги барча маълумотлар Ташкилий қўмита томонидан уч иш кунида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар ишлари бошқармаларига танловни ташкил этиш учун юборилади.



## Бу Мұхим!

Танловда иштирок этиш учун етакчиларнинг бошқача тарзда рўйхатдан ўтишига ёки саралаш босқичида иштирок этмасдан кейинги босқичда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

- **Танлов ҳар йили октябрь — декабрь ойларида қўйидаги босқичларда ўтказилади:**

### 1-босқич

•туман (шаҳар) саралаш босқичи — **октябрь ойида** етакчилар ўртасида туман (шаҳар) миқёсида;

### 2-босқич

•**ҳудудий саралаш босқичи — ноябрь ойида** туман (шаҳар) саралаш босқичида ғолиб бўлган етакчилар ўртасида ҳудудий миқёсда;

### 3-босқич

•**республика финал босқичи — декабрь ойининг биринчи ўн кунлигига** ҳудудий саралаш босқичида ғолиб бўлган етакчилар ўртасида республика миқёсида.

- **Танлов йўналишлари ва баҳолаш тартиби**

Барча йўналишлар бўйича танловда иштирок этувчилар ўз фаолиятини амалга оширган ишларини кўрсатиб берувчи тегишли маълумотлар, альбом ҳамда давомийлиги беш дақиқадан ошмайдиган видеоролик орқали намойиш этади ва изоҳлайди.

Давлат мукофоти, кўкрак нишони, мақолалари, спорт ютуқлари, танлов ва мусобақалардаги иштироки, тилни билиш сертификати ва бошқалар қўйидаги тартибда **устуворлик** берилади:

- ✓ **ҳудудий даражадаги** ҳар бир ютуқ учун — 1 балл;
- ✓ **республика даражасидаги** ҳар бир ютуқ учун — 2 балл;
- ✓ **халқаро даражадаги** ҳар бир ютуқ учун — 3 балл.

Танлов ғолиблари баллар йиғиндиси якуни бўйича аниқланади.

- Бунда етакчилар эришган ютуқлари акс этган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этади ҳамда элекtron (фото, видео шаклида) шаклда шарҳлаб беради, берилган маълумот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун уларни тақдим этган талабгор шахсан жавобгар бўлади.

- **Танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш**

Барча йўналишлар бўйича танловнинг туман (шаҳар), ҳудудий саралаш ва республика финал босқичларида 1-ўринни эгаллаган етакчилар ғолиб, 2 ва 3-ўринни эгаллаган етакчилар совриндорлар ҳисобланади.

**Барча йўналишлар бўйича танловнинг ғолиб ва совриндорлари:**

**a) туман (шаҳар) саралаш босқичида:**

1-ўрин учун — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг I даражали дипломи ва кейинги босқичда иштирок этиш йўлланмаси билан;  
2 ва 3-ўрин учун — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан;

**b) ҳудудий саралаш босқичида:**

1-ўрин учун — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг I даражали дипломи ва кейинги босқичда иштирок этиш йўлланмаси билан;  
2 ва 3-ўрин учун — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланади.

**c) республика финал босқичи**

Танловнинг республика финал босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш, шу жумладан, моддий рағбатлантириш тартиби ва миқдорлари Ташкилий қўмита томонидан белгиланади.

- **Республика финал босқичи ғолиблари эга бўладиган имтиёзларга**

- ✓ юқори лавозимга тайинлаш учун кадрлар захирасига киритиш;
- ✓ ривожланган хорижий давлатларнинг соҳага оид таълим ташкилотларига малака оширишга юбориш;
- ✓ давлат мукофотларига тавсия қилиш.

## ИЛОВАЛАР

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ туманидан Мурожаатни ўрганиши юзасидан  
**ДАЛОЛАТНОМА**

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 йил

\_\_\_\_\_ тумани

Мурожаатнинг виртуал тизимдаги раками: \_\_\_\_\_ / \_\_\_ санаси: \_\_\_ 2024 й.

Фукаро Ф.И.О: \_\_\_\_\_

Тугилган сана, йили: \_\_\_\_\_

Сектор № \_\_\_\_\_

Махалла: \_\_\_\_\_

Манзили: \_\_\_\_\_

Иш жойи (ижтимоий ҳолати): \_\_\_\_\_

Телефон : +998 \_\_\_\_\_

Мурожаат/мазмуни:

---

---

---

---

Мурожаатни ўрганган ташкилот ва маъсул ходим лавозими, телефони:

---

---

Мурожаатни кўриб чиқиши натижаси:

---

---

---

---

Ташкилот раҳбари:

имзо на ФИО

Маъсул ходим:

имзо на ФИО

МФЙ раиси:

имзо на ФИО

Мурожаат муаллифининг муносабати:

---

---

---

---

“\_\_\_\_\_” МФЙ ёшлар етакчиси томонидан ўзига бириктирилган  
маҳалладаги фаолияти юзасидан амалга оширилган тадбир

БАЁНИ № \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_

202\_ йил “\_\_” февраль

“\_\_\_\_\_ тумани 2-  
сонли умумтаълим мактаби спорт зали”

Тадбир ўтказилган сана

Тадбир ўтказилган жой

**Тадбир мақсади:** Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш.

**Тадбир йўналиши:** соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш борасида ёшлар ўртасида **волейбол мусобақаси** ташкил этилганлиги.

**Тадбир иштирокчилари сони:** \_\_\_\_\_ нафар

**Қўшимча изоҳлар:** Мусобақада 2-сонли \_\_\_\_\_ умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси \_\_\_\_\_ ҳакамлик қилди. Мусобақада \_\_\_\_\_ та кўча (Нурафшон, Янги хаёт-1, Мустақиллик, Бобур) жамоалари қатнашишди. 1-ўринни Бобур кўчаси, 2-ўринни Янги хаёт-1 кўчаси,

3-ўринни Нурафшон кўчаси эгаллади. Мусобақа сўнгидаги жамоалар таркибидан маҳалла терма жамоасига саралаб олиниши айтиб ўтилди.

Расм учун жой

Расм учун жой

Тадбир ўтказилган жой раҳбари:

“\_\_\_\_\_” МФЙ Ёшлар етакчisi

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РҮЙХАТИ:**

- 1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармони
- 2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-92-сон қарори
- 3.** Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 ноябрдаги “«Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси» танловини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 608-сон қарори
- 4.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 октябрдаги “Ёшларнинг замонавий билим ва касб-хунар эгаллаш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзgartериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 617-сон қарори
- 5.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сон қарори
- 6.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 310-сон қарори